

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

Ислом
КАРИМОВ:Фарзанларимиз биздан кўра кучли, билимли,
доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!

“Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашётган ёш оилаларни янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида бир қатор ёш оилаларга “Камолот” уйлари топширилди.

АКМАЛЖОН,

Қарор ва ижро

уй муборак бўлсин!

ТАТУ талабаси “Камолот” уйига эга бўлди



Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўп қаватли, 64тагача хонадондан иборат жами 50дан зиёд “Камолот” уйлари қуриш режалаштирилган.

Пойтахтимизнинг бир гуруҳ фаол ёшлари “Камолот” уйларига эга бўлишди. Шаҳарнинг Учтепа, Сергели ва Бектемир туманларида ана шундай кўп қаватли уйлар қурилди. Кўркам, барча шароитларга эга уйлар кўзни қувонтиради. Уйлар атрофида барпо этилган болалар майдончаси эса фарзандларимиз учун ҳақиқий совға бўлди.

Юртимизда истеъдодли, иқтидорли ёшлар кўп. “Камолот” уйларига эга бўлган ёшлар орасида Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Акмал Алимардонов ҳам бор. Албатта, ушбу қувончли кун ёш

оилаларга хурсандчилик келтирди.

— Юртимизда ёшларга қаратилган эътибор ўз самарасини бериб, Ўзбекистонлик истеъдод эгаларини бугунги кунда бутун дунёда билишди. Фан, санъат, маданият ва спорт соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларга барчанинг ҳаваси келади. Бугун биз ёшлар яна бир катта ютуққа — “Камолот” уйларига эга бўлдик. Ушбу уйларнинг узоқ муддатга имтиёзли кредит асосида берилгани барчамизни хурсанд этмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Акмал Алимардонов.

Шу ўринда айтишимиз мумкинки, ҳозирда нафақат марказий шаҳар-

лар, балки чекка туманларда ҳам “Камолот” уйлари барпо этилмоқда. Шу кунга қадар Тошкент вилоятининг Ангрен, Олмалиқ шаҳарларида, Бўстонлиқ туманида, Андижон вилоятининг Балиқчи ва Асака туманларида, Фарғона вилояти маркази ҳамда Қувасой шаҳрида, Учкўприк ва Тошлоқ туманларида, Қашқадарё вилояти Муборак шаҳрида, Сирдарё вилояти Оқолтин ва Сардоба туманларида, Наманган вилояти Уйчи ва Тўрақўрғон туманларида ёш оилалар ана шундай шинам уйларга эга бўлишди.

Ўз мухбиримиз

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикаси Президенти Пак Кин Ханинг таълимига биноан 27 – 29 май кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди.

Ишонч ришталари

Ҳамкорлигимизни янада юқори поғонага олиб чиқувчи мазкур ташриф доирасида ва ўтказилган Ўзбекистон-Корея бизнес-форуми якунларига кўра, 60та битим ва шартнома имзоланиб, шундан 55таси савдо-иқтисодий, инвестиция, молиявий-техник ҳамкорлик йўналишларини қамраб олди.

ИШОНЧ, ИСТИҚБОЛ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР

● Президентимиз ташрифи доирасида EDCF фондининг 33 миллион долларга тенг имтиёзли кредитини жалб қилган ҳолда, "Мақтаб таълимида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш" лойиҳасини молиялаштириш бўйича заём битими имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида EDCF фонди линияси бўйича имзоланган 2015 — 2019 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурида қиймати 415 миллион долларлик узоқ муддатли имтиёзли кредитларни жалб этиш орқали 6 лойиҳа, жумладан, Тошкент шаҳрида IV даражали замонавий кўп тармоқли, юқори даражада иxtисослаштирилган тиббиёт марказини, "Электрон ҳукумат" тизими маълумотларини қайта ишлайдиган давлат марказини ташкил этиш, ахборот-коммуникация технологиялари асосида сув ресурсларини бошқариш тизимини жорий қилиш лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган.

Ўтган йили Тошкент шаҳрида ИНҲА университети филиалининг иш бошлаши ҳамкорлигимизнинг ёрқин истиқболдан дарак бермоқда.

● "Ханжин" компанияси билан Тошкентдаги ИНҲА университетига янги — Логистика факултетини очиб тўғрисида келишувга эришилгани — томонлар ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида фаол ҳамкорлик қилаётганига мисолдир.

Симпозиум

Юртбошимизнинг Корея Республикасига давлат ташрифи якунларига бағишлаб Тошкент ахборот технологиялари университетига ўтказилган илмий-амалий симпозиум "Таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш: Жанубий Корея тажрибасини ўрганиш" мавзуга бағишланди. Корейс мутахассислари, республикамиздаги вазирликлар вакиллари, олий таълим муассасалари профес-

ТАТУ: Хорижлик ҳамкорлар


Йиллар	Хорижий университетларга таълим олишга юборилган ва таълим олаётганлар сони			Малака оширган профессор-ўқитувчилар
	Бакалавриатура	Магистратура	Докторантура	
2012	6 Жанубий Корея, Нидерландия, Германия	9 Жанубий Корея, Швеция, Италия, Франция, Хитой	12 Жанубий Корея, Хитой	24
2013	6 Жанубий Корея, Франция	7 Жанубий Корея, Швеция, Италия, Австрия	12 Жанубий Корея, Германия, Франция	21
2014	29 Жанубий Корея, Франция, Хитой	11 Жанубий Корея, Швеция, Австрия	15 Жанубий Корея, Германия, Франция	72 Жанубий Корея, Германия, Франция, Хиндистон, Хитой

Ҳамкорлик

сор-ўқитувчилари иштирок этган мазкур нуфузли тадбирда Корея Республикасининг АКТ ва таълим соҳасидаги илғор тажрибаси ўрганилиб, ҳамкорлик истиқболлари ҳақида сўз борди.

Нуфузли анжуманга ТАТУ мезбонлик қилиши бежизга эмас. Аввало, юқоридаги давлат ташрифи доирасида эришилган келишувлардан бири айнан университетнинг яқин истиқболига хизмат қилишини тилга олиш жоиз. Қолаверса, мамлакатимизда ахборот-коммуникация

"Электрон ҳукумат" кучга кирганидан кейин Кореяда аҳолининг давлат органларига ташрифи 90 фоизга қисқарди.



Малака оширишда ўрганилган фанлар сони.

технологиялари йўналишида кадрлар тайёрлаш бўйича бой тажрибага эга бу университет ва унинг филиаллари моддий-техник базасини мустақамлаш, дарслар сифатини ошириш, замонавий ўқув хоналари ва лабораториялар билан таъминлаш юзасидан, айниқса, сўнгги икки йилда, қатор ишлар амалга оширилди. Университетни хориждаги, жумладан, Жанубий Кореядаги турдош университетлар билан мустақам ҳамкорлик ришталари боғлаб турибди. Университетда "Электрон ҳукумат" ўқув маркази, Ўзбекистон-Корея ахборот технологиялари маркази фаолияти йўлга қўйилган.

Кредит — маъқул тизим



— Тошкентда ишлаётганимга икки йил бўлди ва бу даврда амалга оширилган энг асосий ишларимиздан бири сифатида университетнинг ўқув тизимини жаҳоннинг нуфузли олий ўқув юрталарига мос равишда такомиллаштириганимизни айтишим мумкин, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг проректор-маслаҳатчиси Ли Чул Су. — Ўқув жараёнига айрим янги фанларни киритдик, мавжудлари эса халқаро талаблар асосида қайта ишланди. Хорижда, жумладан, Корея Республикасига малака оширишга юборилаётган ўқитувчилар сонини кўпайтирдик. Ҳозир улардан кўпчилиги жаҳон талаблари даражасида таълим беришяпти. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги олий ўқув юрталарида кредит тизимига асос солинган. Жумладан, менинг Ватаним — Жанубий Кореяда ҳам. Кредит — талабани баҳолаш тизими, у талабанинг профессор-ўқитувчи билан бирга сарфлаган соатиغا нисбатан аниқланади. Бир семестрда 16

ҳафта бор ва ҳар ҳафтада бир соат дарс ажратилади. Айнан шу бир кредитли фан ҳисобланади.

Бу тизимнинг афзаллиги, унда талабаларни баҳолашда бешта тамойил мавжуд. Ўзлаштирилган фоизга қараб баҳо қўйилади. Бу жараён ўқитувчи ва талабалар учун очиқ-ойдиндир. Статистик маълумотларга қараганда, жаҳоннинг 80 фоиз мамлакатларида айнан кредит тизими жорий қилинган.

Маълумки, 2013 йилдан Ўзбекистонда "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, жумладан, соҳага етук кадрлар етказиб беришга кўмаклашиш мақсадида, икки томонлама келишув асосида, жаноб Ли Чул Су сингари жуда кўплаб ўз қасбининг билимдонлари юртимизда иш бошлашди. Уларга эса жаноб Ким Нам Сок бош-қош.

"Электрон ҳукумат"ни биргаликда қураимиз



— "Электрон ҳукумат" тизими қанчалик оқилона ва қулай тизим эканлигига ўз мамлакатимиз тажрибасида гувоҳимиз, — дейди Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари — АКТ бўйича маслаҳатчи Ким Нам Сок. — Фуқаролар ҳаётида ҳам,

юридик шахслар фаолиятида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди.

Маълумки, ҳар қандай фуқаро ёки тадбиркор ҳаёт, фаолият тақозоси билан давлат органларига мурожаат қилишига тўғри келади. Электрон ҳукумат мавжуд бўлмаган тақдирда эса фуқаро ва тадбиркорлар юзма-юз учрашади. Бундай оворагарчиликларнинг ягона чораси — "Электрон ҳукумат". Мурожаатлар электрон шаклда, яъни интернет орқали, уйда ёки офисда туриб амалга оширилаверади.

Бу борада қизиқарли бир статистик маълумотга эгамиз. Унга кўра, Жанубий Кореяда электрон ҳукумат жорий этилгунга қадар ҳар бир фуқаро бир йилда ўртача ҳисобда ўн мартадан давлат органларига мурожаат қилган экан. Агар бунинг молиявий томонини ҳисобга оладиган бўлсак, бир марта келиб-кейтиш 10 долларга тушади. Шу тариқа элик миллион аҳоли умумий ҳисобда йил давомида давлат органларига бориб-келишининг ўзига 5 миллиард доллар сарфлаган. "Электрон ҳукумат" кучга кирганидан кейин Кореяда аҳолининг давлат органларига ташрифи 90 фоизга қисқарди. Қанча маблар ва вақт тежаб қолинганини ҳисоблаб олаверинг.

уфқлари



Яна бир мисол. Жанубий Корейда паспорт олиш учун илгари бир қанча давлат органларидан маълумотномалар олишга тўғри келарди. Буларнинг ҳаммасини тўплаш учун қанча вақт кетишини айтмай қўя қолай. Энди эса паспорт олиш учун фақат ариза ва сурат топширилса бас. Қолган ҳужжатларни паспорт беришга масъул бўлган шахснинг ўзи электрон тизим орқали махсус базалардан йиғади. Бир сўз билан айтганда, ҳамма ўз ишини бажаради.

Шу ўринда бир муҳим жиҳатни тилга олиш керак. Кўпчилик "Электрон ҳукумат"ни жорий этиш, йўлга қўйиш ахборот технологиялари бўйича мутахассисларнинг иши деган нотўғри тасаввурга эга. Йўқ, асло бундай эмас. Техник мутахассис сизга фақат ўз йўналишидан келиб чиқиб кўмаклашади, холос. Дейлик, сиз ўқитувчи ёки шифокорсиз, қатъи назар, албатта компьютер, замонавий технологиялар борасида кўникмага, керак бўлса, яхшигина билимга эга бўлишингиз шарт. Бу замон талаби. Ҳозирги кунда жаҳоннинг кўплай мамлакатлари қаторида Корея Республикасида ҳам компютерда дастурлаш фан сифатида мактабларда жорий этиляпти.

● Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан 2015 — 2017 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қиймати 58 миллион долларлик 11та лойиҳадан иборат бўлиб, жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университетидан замонавий ахборот-ресурс марказини қуриш ва жиҳозлаш, электрон ўқитиш тизимини жорий этиш ҳамда ўқув-илмий лабораторияларни жиҳозлаш орқали ривожлантиришни ҳам ўз ичига олади.

Республика симпозиуми давомида қатнашчиларга Корея Республикасининг ТАТУ ҳамкорлик қилаётган KAIST институти, ИНҲА, Сеултех, Чунг-Анг, Ёнгнам, Кёнг-Хи университетларидаги таълим тизими, талаба ва илмий изланувчилар учун яратилган шароитлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Тадбир доирасида университет фойсесида ихтирочи талабалар кўрғазмаси ташкил этилди, симпозиум меҳмонлари учун ТАТУ лабораторияларига саёҳат уюштирилди.

Симпозиумда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Х.Мирзоҳидов, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар қатнашиб, сўзга чиқдилар.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

Жорий йилнинг 6 июн куни Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежидан "Ахборот-коммуникация технологиялари тараққиёти ва малакали кадрларни тайёрлашда янги стандартлар" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўринбосари Иброҳим Жўраев ва Samsung Electronics компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мин Шин Вунлар лойиҳа муваффақиятлари амалга оширилишига тилак билдиришди.

SAMSUNG СЕРВИС АКАДЕМИЯСИ

Мазкур ўқув марказини Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежидан очиш тўғрисида меморандум имзоланди.

Давра суҳбатида Марказий Осиё минтақавий экологик марказининг Ўзбекистон бўйича ваколатхонаси директори Отабек Умирбеков, Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Саидрасул Сангилов, Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директори, сенатор Агриппина Шин ва бошқалар коллежда амалга оширилётган лойиҳанинг аҳамияти, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, малакали кадрларни тайёрлашда янги стандартларни ўқув



Маълумот ўрнида:

Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи информатика ва ахборот технологиялари ҳамда телекоммуникация йўналишларида мутахассислар тайёрлайди. Ҳозирда 200дан ортиқ педагог мутахассислар қарийб 40 мингга яқин ўқувчиларга таълим беришда. Коллеж соҳа корхоналари, жумладан, "Ўзбектелеком" АК билан мустақкам ҳамкорликни йўлга қўйган.

жараёнларига татбиқ этиш, ўқувчиларнинг экологик маданиятини ошириш хусусида сўз юритишди.

Тадбир доирасида коллежда Samsung Electronics компанияси, Ўзбекистон экологик ҳаракати ва Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўртасида Samsung инновацион сервис академиясини ташкил этиш тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Samsung Electronics компанияси мазкур инновацион лойиҳани 15та мамлакатда амалга ошириб келмоқда. Ўтган йили ушбу лойиҳа Қозоғистон Республикасида ҳам жорий этилган. Лойиҳани амалга ошириш жараёни ва тўпланган тажрибалар ҳақида Қозоғистон Республикаси бўйича лойиҳа менежери Салтанат Жакенова гапириб берди.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимларининг лойиҳа ҳақидаги саволларига ташкилотчилар батафсил маълумот берилди.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимларининг лойиҳа ҳақидаги саволларига ташкилотчилар батафсил маълумот берилди.



Саидрасул
САНГИЛОВ,
Ўзбекистон
экологик ҳаракати
марказий кенгаши
ижроия қўмитаси
раиси ўринбосари:

— Ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари агроф-муҳитга сезиларли таъсир кўрсатади. Келгусида Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежидан очилаётган Samsung инновацион сервис академиясидаги таълим давомида ўқувчилар рақамли телевизор, мобил телефонларни таъмирлаш, солаш жараёнларини амалиётда ўрганишди. Биламизки, мазкур қурилмаларда пластмасса материаллардан кенг фойдаланилган. Бу материаллар ёнганда ўзидан ҳид чиқариб, атроф-муҳит, табиатга, умуман, одамларнинг соғлиғига зарарли таъсир кўрсатади. Мана шундай чиқиндиларни маълум талаблар асосида утилизация қилиш керак. Ўқув марказида ўқувчилар шу каби жараёнлардан бохабар қилиб борилади, бир сўз билан айтганда, улар атроф-муҳит соғлиғига эътиборли бўлишга ўргатилади.



Зафар АЧИЛОВ,
"Samsung инновацион
сервис академияси"
лоийҳасининг
республикамиздаги
координатори:

— Маълумки, мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг учинчи босқичи кетмоқда. Мана шу босқичда касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда ходимларни қайта тайёрлаш жараёнларида халқаро ҳамкорликни кучайтириш талаб қилинади. Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежидан Samsungнинг инновацион сервис академиясини ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳам шундир. Ўқув марказида битта ўқув ва иккита жиҳозланган лабораториялар бўлади. Ўқувчилар мазкур компанияда ишлаб чиқилган рақамли телевизорлар ва мобил телефонларни таъмирлаш, солаш жараёнларини батафсил ўрганишади. Албатта, битирувчиларга Samsung инновацион сервис академиясининг сертификатлари берилди.

Абдуғани АБДУРАҲМОҶОВ

Jumadan Jumagacha

✓ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун 2015 йилнинг 11-12 июн кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашув ва музокаралар чоғида мамлакатимиз ва БМТ тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари, минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинмоқда.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 8 июн кунини Оқсаройда Ислам ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Ияд Амин Маданийни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон элликлдан ортиқ мамлакат аъзо бўлган ушбу нуфузли халқаро тузилма билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади. Ислам ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан тараққиётга эришяётганини юқори баҳолади. Оқсаройда ўтган учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасида "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги халқаро конвенция ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунининг Тошкент шаҳридаги ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

✓ Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университетида "XXI аср — интеллектуал авлод асри" илмий-амалий анжуманининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Анжуман доирасида тўртта — ижтимоий-гуманитар, табиий, аниқ ва техника фанлари йўналишлари бўйича илмий мақолалар танлови ҳам ўтказилди. Танловда ҳар бир йўналиш бўйича дастлабки уч ўринни эгаллаган 12 нафар ёш олим ва илмий ходим жорий йилнинг ноябрида Самарқандда ўтказиладиган анжуманининг мамлакат босқичида иштирок этади.

✓ Кува туманида "Маҳаллам — фахрим менинг, тинчлигим — бахтим менинг" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбир Фарғона вилояти ҳокимлиги, Республика маънавият тарғибот маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

✓ Термизда "Жануб куёши тафтида улгайганлар: устоз-шоғирд анъаналари" деб номланган расмлар кўргазмаси очилди. "Кексаларни эъозлаш йили Давлат дастури" ижроси доирасида ташкил этилган кўргазмада Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, таниқли расом Турсунпўлат Уроқов ҳамда ёш расом Хосият Тулганованинг асарлари намойиш этилмоқда.

САЙЁР ЛОЙИХАЛАР ишга туширилди

Жорий йилнинг 31 май кунини Тошкент шаҳрига "Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини ахборотлаштириш бўйича ўрганишлар ўтказиш ва бош режани ишлаб чиқиш" лойиҳаси юзасидан Корея Республикасининг ҳудудларда ахборотлаштиришни ривожлантириш ва ўрганиш институти (KIID) мутахассисларидан иборат делегация ташриф буюрди.

1 июн кунини делегация ташрифининг асосий режасини муҳокама этиш мақсадида "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази раҳбарияти билан учрашди.

Кунининг иккинчи ярмида делегация Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида вазир ўринбосари жаноб Ким Нам Сок,

АКТ бошқармаси раҳбари О.Умаров, ҳудудларда АКТни жорий этиш бўлим бошлиғи ўринбосари Р.Набиев, шунингдек, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари Компютерлаштириш марказлари раҳбарлари ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази мутахассислари билан учрашди. Кореялик мутахассислар мазкур лойиҳага

оид тақдимотларни намойиш этишти.

Лойиҳа доирасида Тошкент шаҳридан Сергели тумани ҳамда Тошкент вилоятидан Пискент тумани тажриба-синов ҳудуд сифатида танлаб олинган эди. Беш кишидан иборат делегация вакиллари (Ким Жонг Те, Чо Ги Хван, Ли Синг Ёнг, Че Жонг Сок, Чон Пё Жин) томонидан мазкур ҳудудларда ўрганишлар ўтказилди.

Кореялик мутахассислар Сергели ҳамда Пискент туманлари ҳокимликларига ташриф давомида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишти.

INTERVYU

Ҳудудларда АКТ янада ривожлантирилади

Ҳудудларда ахборот тизимини ривожлантиришда ва ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини яратишда Компютерлаштириш марказларининг аҳамияти катта. Чунки айнан улар бошқарув органлари томонидан тақдим этилган маълумотлар билан аҳолини хабардор қилишади.

Яқинда пойтахтимизда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида "Ҳудудларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш" мавзусида ўқув семинари ташкил этилди. Ўтказилган ўқув-амалий семинар юзасидан "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази "Ҳудудларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими бошлиғи Шерзод НОРТОЖИЕВга мурожаат қилдик.

— Шерзод Бобонович, айтинг-чи, семинарни ўтказишдан асосий мақсад ва вазифалар нималардан иборат эди?

— Хабарингиз бор, "Компютерлаштириш маркази" давлат унитар корхоналари зиммасига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мувофиқ жойларда компютерлаштириш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини яратиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларини янгилаб бориш ва унда интерактив давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологиялари ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболларини доимий равишда таҳлил қилиш, натижалар асосида соҳани такомиллаштириш бўйича таклифлар ки-

ритиш каби устувор вазифалар юклатилган.

Ушбу ўқув-амалий семинардан асосий мақсад — минтақалардаги Компютерлаштириш марказлари раҳбар ва ходимлари учун ҳудудларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, хусусан, жойларда "Электрон ҳукумат" хизматлари ва ахборот тизимларининг муҳим элементларини яратиш, бу борада бошқа ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини ўргатиш, интерактив давлат хизматлари татбиқ этилиши даражаси ва самарадорлигини яхшилаш бўйича билим даражаларини оширишга қаратилди.

— Семинарда "Электрон ҳукумат"ни жорий этишда Корея Республикаси тажрибасига алоҳида тўхталиб ўтилди. Иштирокчиларнинг бу борадаги фикрлари қандай?

— "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш марказининг кореялик эксперт-маслаҳатчиси жаноб Ким Санг Тай томонидан "Давлат бошқарувида АКТни жорий қилишнинг миллий модели. Электрон ҳукуматни жорий этишда Жанубий Корея тажрибаси" мавзусида қилинган тақдимот иштирокчиларда катта таассурот қолдириб, қизгин муҳокама қилинди.

Шунингдек, семинар давомида 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурига киритилган, "Электрон ҳукумат" тизими доирасида амалга оширилаётган комплекс ахборот тизимларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Ҳудудларда "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш, компютерлаштириш марказлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг келгуси ишларида ушбу семинарнинг қандай ижобий аҳамияти бор деб ўйлайсиз?

— Бугунги кунда мамлакатимизда АКТ соҳасида узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган режалар кўп. "Электрон ҳукумат" тизимига тўлиқ ўтиш ҳам шулар жумласидандир. Сунгги йилларда АКТ шиддат билан ривожланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Айнан шунинг ўзи соҳада доимий равишда кадрлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, ўқитишни тақозо қилади. Компютерлаштириш марказлари ҳудудларда АКТни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича асосий ижрочи ташкилот бўлиб, бугунги кун талаби билан ушбу марказлар зиммасида ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор муҳим вазифалар турибди. Шу боисдан, ушбу ташкил этилган ўқув семинари ва унда ёритилган мавзулар, амалиёт жараёнидан олинган билим ва тажрибалар жойларда соҳани ривожлантиришда ўзининг ижобий натижасини кўрсатишига ишонаман.

— Келгусида ҳам шу йўналишда семинарлар ўтказиш режада борми?

— Албатта, бу каби ўқув семинарлари ҳар чоракда бир маротаба энг долзарб мавзуларда, соҳа ташкилотларида амалиёт ўташлари инobatта олинган ҳолда ташкил этилади.

Жумладан, "Ҳудудларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришда Компютерлаштириш марказларининг ўрни ва уларга яратилган шарт-шароитлар" мавзусидаги навбатдаги республика ўқув-амалий семинари жорий йилнинг 26-27 июн кунлари Қашқадарё вилоятида ўтказилиши режалаштирилган.

Нигора УМАРОВА
сўхбатлашди

Ҳаёт фаровон бўлгач...

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали бошланғич касабга уюшма қўмитаси меҳнат муносабатларини тўрибга солиш ва мувофиқлаштириб бориш, жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш, бандликни таъминлаш, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя бўйича тақдирларни ўрганиб, тақдир қилиб бормоқда. Мақсад ягона — ходимлар меҳнатини қадрлаш, шу баробарида тизим тараққиётини таъминлаш.

Касаба уюшма фаолияти 2012-2014 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг 2014 йилда бажарилиши бўйича жамоа конференцияси қарорида ўз аксини топган. Қарорда барча бандлар тўла бажарилгани қайд этилган. Ундаги энг диққатга сазовор ўринлар ҳақида тўхталадиган бўлса, икки ёшгача фарзанди бўлган 83 нафар оналар ойма-ой моддий кўмак пулларини олишяпти. Ходимларнинг фарзандлари саломатлиги йўлидаги сарф-харажатлар йилма-йил оширилмоқда. Ўтган йили ходимларнинг 204 нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда мириқиб дам олишган бўлса, бу йил 210 нафар бола шундай имкониятдан фойдаланади. Бундан ташқари, 2013-2014 йилларда 17 нафар ёш ишчи-ходимлар янги намунали уй-жойлар соҳиблари бўлишгани қувонарлидир. Уларга (жамият кафилиги остида) жами 665,0 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилиб, АТ "Қишлоқ қурилиш банк"га ўтказиб берилди.

Ўтган йили биринчи марта қонуний никоҳдан ўтган 17 нафар ёшга салкам 18 млн. сўмлик моддий ёрдам пуллари тўланди. Бу йил эса шу кунгача 14 нафар ёшлар оила қурдилар ва улар ҳам моддий кўмакдан баҳраманд бўдилар. Эҳтиёжманд ёш оила-

лар ҳам касабга уюшмаси мурувватидан манфаатдор бўлиб туришибди. Соҳа ўқув юртларини битириб, ишга жойлашган 36 нафар ёш мутахассисга бир марталик ёрдам пули тўланди. Филиалда ишлаётган 38 нафар ходимга бошланғич касабга уюшмаси қўмитаси маблағидан 8 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

— Шу мисоллардан қўриб турибсизки, филиалда баркамол авлод тарбиясига ҳам энг долзарб масала сифатида қаралаётган, — дейди филиал бошланғич касабга уюшмаси қўмитаси раиси Алижон Ибрагимов. — "Кексаларни эъозлаш йили Давлат дастури" бўйича ҳам қатор ишларни режалаштириб амалга оширяпмиз. Уч нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчисига жамият томонидан берилган 400 минг сўмлик мукофот пулини топшириш билан бирга, уларга филиал томонидан ҳам совғалар тақдим этдик. 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Алоқачиларнинг касб байрами муносабати билан Фарғона туманидаги "Бўстон" тўйхонасида ўтказилган тантанادا 50 нафардан кўп фахрийларимизга ҳам иззат-ҳурмат кўрсатилди. Ушбу байрамлар арафасида соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган 52 на-

фар кексаларимизга "Ўзбекистон почтаси. Тарих ва тараққиёт" албом-китоби ҳадя этилди. Яқинда фахрийлар учун водий бўйлаб саёҳат уюштириш, тўрт нафар фахрийни санаторияларда дам олдиришдек эзгу ниятларни дилимизга тутиб қўйганмиз. Яна шунга айтиб ўтиш ўринлики, ходимларимиз юбилейларида, пенсия ёшига етганда, узлуксиз иш стажлари саналарида ҳам рағбатлантирилаётган.

Дарҳақиқат, шундай. Касабақўм раисининг ҳаёти қизгин, турли-туман воқеа-ҳодисаларга бой кечади. Ходимлар қувончи — унинг қувончи, ходимлар ташвиши — унинг ташвиши. Одамлар билан бирга қувониб, бирга қайғуриш — унинг бурчи, вазифаси. Раис филиалда спорт-соғломлаштириш ишларига ҳам катта маблағ ажратилаётганидан, айниқса, гурурланади. Ўтган йили ташкил этилган стол тенниси мусобақалари вилоят босқичида фахрли ўринларни олган уч нафар ходим ҳамда республика босқичига чиққан бир нафар ходим пул мукофотлари билан тақдирланди. 2014 йилнинг ноябр ойида ўтказилган мини футбол мусобақаларида спорт формалари ва қимматбаҳо совғалар учун салкам тўрт миллион сўм маблағ сарфланди.

Касабақўм раиси меҳнатда гайрат-шижоат кўрсатганлар муносиб рағбатлантирилаётганидан, ўтган йили 19 нафар ходим санаторияларда соғлигини тиклаганидан, бу йил 30 нафар ходим "Косонсой", "Чимён", "Рапқон" каби сиҳатгоҳларда саломатлигини мустаҳкамлаб олишидан қониқиш билан сўзлайди. Яйпан ПАТ Овчи алоқа бўлими бошлиғи Маҳаммадхон Алимовнинг Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланганлиги барча почта ходимларининг руҳиятини кўтариб юборди.

Обуна мавсуми — почта тизимида энг масъулиятли давр. Бу мавсумда дам олиш кунларисиз, ҳаловат билмай ишлайдиган ходимлар жуда кўп. Филиалда Гулнорахон Райкенова бошчилигида стақчи мутахассис Асалхон Халилова, ёш мутахассис Нозимбек Ғозиевлар сазой-ҳаракатларининг самараси чакки бўлмади. 2015 йил обунаси учун жон куйдирган, режани ёруғ юз билан бажарган Яйпан ва Қувасой, Қўқон, Бағдод, Янгикўрган ПАТ бошлиқлари Нуъмонжон Тошқўзиев, Татяна Масина, Муҳсинмурод Миртожиев, Шухратжон Қамбаров, Зафаржон Мухомов каби 17 нафар раҳбар ва ходимлар бир ойлик маоши миқдоридан мукофотландилар.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

YOZ — O'TMOQDA SOZ



Оромгоҳда яйраймиз ҳар дам

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиалига қарашли "Ёш алоқачи" оромгоҳи дам олувчиларининг бу йилги шиори ана шундай.

Филиал маъмурияти ва касабга уюшмаси қўмитасининг оромгоҳни мавсумга тайёрлаш борасидаги сайё-ҳаракати ўз самарасини берди. Болалар кўзини қувнатиб турган сузиш ҳавзасидаги зилол сувдан тортиб баҳаво, тоза-озода, барча қулайликларга эга шинам ётоқхоналаргача, Маънавият ва маърифат хонасидан бошлаб, катта-кичик спорт майдончаларигача, қолаверса, бир пайтнинг ўзида 60 нафар ўғил-қизлар овқатланиши мумкин бўлган кенг ва ёруғ емакхонагача — барча-барчаси ҳар қандай кишида мамнуният ва ҳавас уйғотади. Айнан шундай ҳис-туйғулар оромгоҳнинг биринчи мавсуми бошланишига бағишлаб ўтка-

зилган ўзига хос байрам тadbiri давомида ҳам яққол кўзга ташланди. Тантанادا сўз олган филиал касабга уюшмаси қўмитаси раиси Олия Шукурлаева, ушбу филиал бош ҳисобчиси ўринбосари Соҳиб Жумаев, оромгоҳ раҳбари Шамшод Саъдуллаев ва бошқалар ёш дам олувчилар ва уларнинг ота-оналарига ўзларининг энг яхши тиллақларини билдирдилар.

... "Бахтли болалик" деб номланган мусиқий композиция иштирокчиларининг жозибали чиқишлари — қўшиқ ва рақслари билан бошланган тadbirнинг кейинги босқичларида 7 ёшдан 13 ёшгача бўлган болакайлар қисқа вақт ичида ўзлари ёдлаган шеърларни, ўрганган ашула ва ўйинларини ёш ижрочиларга хос қувноқлик билан намоиш эта олдилар.

Биринчи мавсумда оромгоҳда 120 нафар ўғил-қиз дам ол-

моқда. Жорий йилнинг июн-август ойларида, яъни беш мавсумда бу ерда салкам 500 нафар болани соғломлаштириш кўзда тутилган. Бу борада ишлаб чиқилган дастур пишиқ-пухта бўлиб, оромгоҳда турли спорт мусобақалари, адабий-бадий, маънавий-маърифий кечаларни ўтказиш, Бухоронинг тарихий ва диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этиш, қўғирчоқ театри томошаларини намоиш этиш ва бошқа болаларбop кўнгилочар тadbirlарни ўтказиш режалаштирилган. Ҳар галгидек, бу йил ҳам "Ёш алоқачи" оромгоҳида бухоролик соҳа ходимлари фарзандлари билан бирга, Тошкент шаҳри ва Навоий вилояти алоқачиларининг ўғил-қизлари ҳам ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказишмоқда.

И.АСҚАРОВ

2015-ЙИЛ — KEKSALARNI E'ZOZLASH YIČI

Эътибор

"Ўзбектелеком" АК Хоразм филиалда "Кексаларни эъозлаш йили Давлат дастури" ижросини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган тadbirlар режасига асосан уруш ва меҳнат фахрийлари, кексалар ҳамда ёш улуг инсонларнинг дам олишлари ва соғлиқларини тиклаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими асосда амалга оширилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг май ойида соҳада фаолият юритиб нафақага чиққан бир гуруҳ кексаларининг Бухоро шаҳри зиёратгоҳларига саёҳати уюштирилди. Саёҳат харажатлари учун "Ўзбектелеком" АК Хоразм филиали касабга уюшмаси қўмитаси томонидан 2 миллион 400 минг сўм миқдоридан маблағ ажратилди.

— Сафар чоғида Бухоронинг эътиборга молик қадамжоларини зиёрат қилдик, — дейди 37 йил соҳада сидқидилдан хизмат қилган Ибодулло Худойбергенов. — Тарихий жойларни томоша қилиш билан бирга мароқли ҳордиқ ҳам чиқардик.

— Кексалик пайтида инсон меҳрга ташна бўлиб яшайди, — дейди 33 йил телефончи бўлиб ишлаган яна бир фахрий Роҳатой Тожиева. — Филиалимиз раҳбариятининг бизга бўлган эътиборидан бошимиз осмонга етди. Раҳмат, уларга.

Шу билан бирга, филиалда фаолият олиб бораётган эллик нафар ишчи-хизматчининг Самарқанд, Навоий ва Бухоро шаҳарларига саёҳати ҳам ташкил этилди.

Нилуфар ЖАББОРОВА,
"Xabar"нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

Сфера ИКТ

на отраслевой промышленной ярмарке



В Узакспонцентре открылась отраслевая промышленная ярмарка комплексов по вопросам геологии, топливно-энергетического комплекса, химической, нефтехимической и металлургической промышленности, а также информационных систем и телекоммуникаций.

Мероприятие проходит в рамках первого этапа Международной промышленной ярмарки и Кооперационной биржи в соответствии с постановлением Президента Ислама Каримова "О дополнительных мерах по углублению локализации производства готовой продукции, комплектующих изделий и материалов на основе промышленной кооперации" от 1 декабря 2009 года.

Ежегодные отраслевые промышленные ярмарки организуются в целях содействия предприятиям в расширении долгосрочных хозяйственных связей в производстве и поставке переработанного сырья, материалов и комплектующих изделий, готовых товаров и освоении новых видов продукции на основе развития отраслевой и межотраслевой кооперации.

Примечательно, что из года в год растет интерес к этим мероприятиям. В рамках прошлогоднего форума приняли участие более 250 предприятий, представивших около двух тысяч видов продукции, из которых 90 — новые, в том числе освоенные в рамках Программы локализации. В этом году на выставочной площадке, объединяющей два крупных комплекса, свыше 300 промышленных предприятий представляют более 2,5



тысячи видов продукции, из которых свыше 100 — новые.

Комплекс по вопросам информационных систем и телекоммуникаций на отраслевой промышленной ярмарке представляет около 30 предприятий. Они демонстрируют приемники цифрового телевидения, различные виды модемов, IPTV-приставки и мультиплексоры, стационарные и мобильные телефоны и другую высокотехнологичную продукцию.

Особенно выделяется стенд ПП "Telmax Elektroniks", которое специализируется на разработке, проектировании и производстве наукоемких, конструкторских и электронно-технических изделий, предназначенных для использования в системах связи и телекоммуникаций, а также выпуске

изделий производственно-технического назначения для отраслей народного хозяйства, в том числе информатизационных систем.

По словам главного инженера "Telmax Elektroniks" А.Мавлянова в прошлом году в рамках отраслевой промышленной ярмарки было заключено четыре договора по поставке высокотехнологичной продукции. В этом году ожидается подписание восьми договоров на установку телекоммуникационных и антивандальных шкафов, оборудования для IP-телефонии.

Для наиболее полной демонстрации технических и технологических возможностей ведомства и хозяйственные объединения проводят презентации своих предприятий.

ЗАРАБОТАЛО ИНТЕРНЕТ РАДИО URADIO.UZ

10 июня текущего года начал вещание онлайн радио uRadio.uz.

Проект uRadio.uz — первое независимое от FM-станций онлайн радио Узнета с эфиром в сети интернет. uRadio работает по двум направлениям: ZNFM и GOVUZFM на узбекском и русском языках.

ZNFM — канал Ресурсного центра сети Ziyonet предназначен для широкой аудитории. Каждому слушателю, начиная с самого раннего возраста, найдется, что послушать на этой волне.

В программу радио ZNFM включены следующие рубрики:

- Аудиокниги (сказки и рассказы)
- Новости Ziyonet, культуры и ИКТ
- Уроки английского языка
- Полезная информация в сфере образования
- Новости Акции "7 чудес" и Культурного наследия Узбекистана
- Занимательная физика/математика
- Обзор новостей проектов Центра UZINFOCOM и много других интересных новостей.

Время вещания — круглосуточно, — с 18:00 по 9:00 трансляция аудиокниг и аудиосказок.

Оставайтесь с нами, и вы поймете, что радио без музыки — это тоже весело и интересно!

Зумрад ШАДЖАЛИЛОВА,
PR менеджер Ресурсного
Центра сети Ziyonet

● Объявление

Совместные инициативы

Центр развития системы "Электронное правительство" Республики Узбекистан начинает сотрудничество с SAP в области применения инновационных технологий для поддержки предпринимательства.

Совместные инициативы, предусмотренные соглашением Правительства Республики Узбекистан и SAP СНГ, включают: возможность поставки программных продуктов SAP и их сопровождения; оказания консультационных услуг подготовки ИТ-специалистов для работы с облачной инфраструктурой на платформе SAP Business One; проведение мероприятий для развития национальных партнерских и индустриальных сообществ, а также конференций и круглых столов с участием ведущих вузов Узбекистана, Центра "Электронное правительство" и других государственных органов власти республики.

Новости в процессах приема абитуриентов в Ташкентском университете информационных технологий

Ташкентский университет информационных технологий и его филиалы объявляют прием на очное обучение по следующим направлениям образования бакалавриатуры и специальностям магистратуры:

Бакалавриат (ТУИТ):

Компьютерный инжиниринг (со специализациями "Компьютерный инжиниринг", "ИТ-сервис", "Информационная безопасность", "Мультимедийные технологии");

Программный инжиниринг;

Телекоммуникационные технологии (со специализациями "Телекоммуникации", "Телерадиовещание", "Мобильные системы");

Телевизионные технологии (со специализациями "Аудиовизуальные технологии", "Системы и приложения телестудий");

Экономика и менеджмент в сфере ИКТ;

Технология почтовой связи;

Профессиональное образование в сфере ИКТ;

Информатизация и библиотечное дело;

Бакалавриат (Региональные филиалы):

Компьютерный инжиниринг (со специализациями "Компьютерный инжиниринг", "ИТ-сервис");

Телекоммуникационные технологии (со специализацией "Телекоммуникация");

Программный инжиниринг;

Профессиональное образование в сфере ИКТ;

Магистратура (ТУИТ):

Компьютерный инжиниринг (со специализациями "Проектирование компьютерных систем", "Проектирование прикладных

программных средств", "Информационные и мультимедийные технологии", "Информационная безопасность, криптография и криптоанализ");

Программный инжиниринг;

Телекоммуникационный инжиниринг (со специализациями "Системы передачи информации", "Сети телекоммуникаций", "Телерадиовещание");

Экономика и менеджмент в сфере ИКТ;

Электронная библиотека и архивы.

Информатизация и библиотечное дело.

Магистратура (Региональные филиалы):

Компьютерный инжиниринг (со специализацией "Проектирование компьютерных систем");

Также по направлению образования Телевизионные технологии (со специализациями: "Аудиовизуальные технологии", "Системы и приложения телестудий") на специальное заочное отделение будут приняты документы от специалистов, работающих в сфере телевидения и имеющих стаж не менее 3-х лет, а также среднее специальное образование по соответствующей специальности.

В ТУИТ для приема онлайн заявлений абитуриентов бакалавриатуры и магистратуры на 2015-16 учебный год запущена интерактивная служба.

В данное время эта система действует для абитуриентов бакалавриата по электронному адресу www.qabul.tuit.uz и для абитуриентов магистратуры www.tuit-magistr.uz.



Хабарлар +tv

ЎЗБЕКISTON

5.55 Қўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Замин гаройбодлари". Х/ф.
7.30 Миллий сериал: "Чемпионлик орус"
8.00 Тахлилнома.
8.40 Тирки сайера. Х/ф.
9.30 "Йи қомушлари". Т/с.
10.15 "Икким".
10.20 "Ватанлар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Муқаддас ришталар". Т/с.
11.40 "Икким".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Марил хоним". Т/с.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Хидоят сари".
14.45 Миллий сериал: "Орзулар фосли".
15.20 "Астероидлар". Х/ф.
16.00 "Таджик - 24".
16.00 "Заковат".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Хўбағатош".
17.25 "Корачик".
17.45 "Агроодам".
18.05 "Икким".
18.10 Миллий сериал: "Хаёт квалитари".
18.40 "Юртм таровати".
18.50 "Икким".
19.05 "Икким".
19.25 "20.15 Эълонлар.
19.30 "Ахборот"/рус/.
20.05 "Муқаддас ришталар". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.10 "Муносабат".
22.25 "23.10 "Доктор Хауе". Т/с.
23.10 "Ватанлар".
00.00 Миллий сериал: "Хаёт квалитари".
00.30 "Юртм таровати".
00.40 "Агроодам".
0.00 "Ахборот"/рус/.
1.30 Миллий сериал: "Орзулар фосли".
2.05 "Шарк тароналари".
2.15 "Теле Гастр". "Алманар 93ларамиз". 1-қисм.
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орус".
5.10 "Корачик".
5.35 - 5.55 Тахлил - 24".



ДУШАНБА 15 ИЮН

00.20 "Муъжизавий дунё".
1.10 "Жаҳон мусадиси".
2.40 "Йилмон". В/ф. 1-қисм.
3.40 "Унутилмас оҳанглар".
4.00 "Бир миллионлик машмаша".
Б/ф.
5.30-6.00 "Давр".

TOSHKENT

5.55 "Ятоғнасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00
"Роғуат".
6.20 Миллий сериал: "Хаёт пилловоқлар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Муҳаббат тағтинаси". Т/с.
9.50 "Роғуат-спорт".
10.20 "Хороша жена". Т/с.
11.10 "Заповедия дорота". Х/ф.
13.10 "Юртм жамолоти".
13.30 "Профессионал".
13.50 "Роғуат-геројат".
14.15 "Шарк тағтоғам".
14.45 "Мобил камера".
14.55 "Роғуат-biznes".
15.10 "Уч атиргул". Т/с.
15.50 "Роғуат-спорт".
16.15 "Янчиқ устот". Б/ф.
18.15 "Ишта марҳамат!".
18.20 "Химоя".
18.35 "Мобильная камера".
18.50 "Роғуат-интерес".
19.00 "Теле-маркет".
19.15 "Муҳаббат тағтинаси". Т/с.
20.20 "Уч атиргул". Т/с.
21.10 "Поштағат йўлбарлари".
21.35 "Роғуат-еко".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Трон". Х/ф. 1-қисм.
23.45 "Роғуат-Ні-теш".
00.05 "Сайер камера".
00.30 "Хикмати дунё" теленовелла.
1.00 "Роғуат-еко".
1.10 "Хороша жена". Т/с.
1.50 "Роғуат-biznes".
2.10 Миллий кино: "Дала".
3.55-5.55 "Тошкент вақти".

SPORT

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Ош бўлини".
6.30 "Киллар мактаби".
7.00 "Жўшқин оила". Т/с.
7.50 "Ешлик наволари".
8.10 "Канизак Изаура". Т/с.
9.30 "Буюк юрт фарзандлари".
10.00 "УХЕХ".
10.10 "Камолот-инфо".
10.10 "Бир қалам". Т/с.
11.00 "Муъжизавий дунё".
11.50 "Хўбартлар". Т/с.
12.50 "УХЕХ".
13.00 "Давр".
13.10 "Бир миллионлик машмаша".
17.10 "Соғлом ҳаёт".
17.40 "Ўғамла остида". Т/с.
18.50 "Телебуфа".
19.00 "Давр".
20.20 "Жўшқин оила". Т/с.
20.30 "Табиркук длари".
20.50 "Ешлик наволари".
21.10 "Сенга ошқиман". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Омал қалити". Б/ф.

6.00 "Хайрай тоғи".
6.05 Қўрсатувлар тартиби.
6.10 "Корчаққол спорт".
6.25 АНОНС.
6.30 "Орзулар кемаси".
6.55 АНОНС.
7.00 "SPORT-ONLINE".
8.00 ХАВАРЛАР.
8.30 "Sport Metro".
8.35 ФУТБОЛ U-20. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ.
10.15 "Шоҳсулт". Сериал.
10.55 АНОНС.
11.00 "SPORT REPORT".
11.10 Автомогоспорт.
11.55 Рақамлар, нитикалар, рейтинглар.
12.00 "SPORT-ONLINE".
13.00 Бокс. Оснэ чемпионати.
14.00 ХАВАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 ИНТЕРЮТБОЛ.
16.00 ТЕННИС.
17.20 Енгил атлетика. Бриллиант лига.
18.10 Қўрсатувлар тартиби.
18.15 "Спорт сайераси".
18.25 "Тенноспорт".
18.30 ХАВАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 "Болалар спорт".
19.20 АНОНС.
19.25 Бокс. Оснэ чемпионати.
20.25 АНОНС.

20.30 "SPORT- MARKET".
20.35 "Фубол шарҳи".
21.25 АНОНС.
21.30 ХАВАРЛАР.
21.50 "Sport Metro".
21.55 ФУТБОЛ U-20. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ.
23.35 АНОНС.
23.40 "Техноспорт".
23.45 АНОНС.
23.50 "SPORT REPORT".
00.00 АНОНС.
00.05 Дяло. Гран при турнири.
1.00 ХАВАРЛАР.
1.20 АНОНС.
1.25 Европа ўйналари спорт мусобақалари.
2.35 АНОНС.
2.40 Енгил атлетика. Бриллиант лига.
3.30 АНОНС.
3.35 Бокс. Оснэ чемпионати.
4.35 АНОНС.
4.40 - 6.00 ТЕННИС.

04.00 Телеканал "Доброе утро"
07.00, 08.00, 11.00, 14.00, 02.00
07.05 "Носте чудес"
08.10 Контрольная закупка
08.35 "Жизнь здорово"
09.35 Мобильный приговор
10.30 Фазенда
11.15 "Сегодня вечером"
13.10 Смак
13.45, 14.15 "Время покажет"
15.15 "Мужское/Женское"
16.10 "Наедине со всеми"
17.00 Вечерние новости
18.00 "Давай поженимся!"
19.00 "Пусть говорят"
20.00 "Время"
20.30 Т/с "Старшая дочь"
22.20 "Вечерний Ургант"
22.50 "Полюс"
23.50 Ночные новости
00.05 "Наедине со всеми"
00.15 "Время покажет"
01.45, 02.05 Модный приговор
02.40 "Мужское/Женское"

РОССИЯ 1

05.00, 09.15 "Утро России".
07.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 Вести.
09.55 "Со самом главным".
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Вести-Москва.
11.55 Т/с "Тайны следствия".
12.55 "Особый случай".
14.50, 04.45 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Последний январь".
16.00 "Расудят люди".
18.15 "Прямой эфир".
20.50 "Спокойной ночи, малыши".
21.00 Т/с "Обищские жеки".
23.50 "БАМ: в ожидании отпелени".
01.30 Т/с "Надежда".
03.45 "Комната смеха".

НТВ

05.00 Кофе с молоком.
08.00 Солнечное. Вде осалок.
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Селеста.
09.20 Т/с "Возвращение Мухомора".
11.00 Суд присяжных.
12.20 Суд присяжных. Окончательный вердикт.
13.30 Все будет хорошо!
14.30 Чрезвычайное происшествие.
15.20 Т/с "Улицы разбитых

фонарей".
17.00 Говорим и показываем.
18.40 Т/с "Мен П".
20.30 Т/с "Метровские войны".
22.20 Антония дим.
23.00 Т/с "Псевдоним "Албанец".
00.55 Главная дорога.
01.40 Димий мир.
02.15 Т/с "Знаки судьбы".
04.00 Т/с "Москва. Три вокзала".

РОССИЯ К

07.00 Канал "Евроноек".
10.00, 15.00, 19.00, 23.40 Новости культуры.
10.15, 01.40 "Наблюдатель".
11.15, 00.00 Х/ф "Мистер Питкин в тяду врага".
12.45 Д/ф "Ускорение. Пулковская обсерватория".
13.15 Д/ф "Секреты ледяных тропиц Монголии".
14.10, 22.10 Х/ф "Белая гвардия".
15.10 Х/ф "Странная женщина".
17.30 "Адела Кланская. Эпизоды".
18.05 Фильм-спектакль "Эта пиковая дама".
19.15 Главная роль.
19.30 Острова. Виктор Раков.
20.15 Д/с "Запечатленное время".
У теплого моря".
20.45 Открытие XV Международного конкурса им. П.И.Чайковского.
21.50, 01.25 Д/ф "Дворец и парк Шенюврий в Вене".
22.55 Эпизоды. Константин Хабенский.
23.55 Худосвет.
02.40 Д/ф "Бру-на-Бойн".

СТС

07.00 Мультисериал.
09.00 "До смерти красива".
10.30 "Аральская история".
10.30 "Маргоша". Драмели.
11.30 "Два отца и два сына".
12.30 "Семинальный бык".
13.30 "Большая разница". Шоу пародий.
14.30 00.50 "Ералаш".
15.00 "Трансформеры-3. Темная сторона Луны". Фантастический боевик.
17.55 Шоу "Уральские пельмени". Дени смеиново Валентина".
19.00 "Уральские пельмени". Лучшее от Сергея Исаева".
19.30 "Уральские пельмени. М+Ж".
20.00 "Воронины".
21.00 "Кукла".
23.00 "Чумовая пятница". Комедия. Саша, 2003 г.
01.00 "Нервальная история". Сатирический альманах.
01.30 "Кино в деталях с Фелором Бончаруком".
02.30 02.45 "Кадры".
02.45 "До смерти красива".

ТВ3

06.00 М/ф.
09.30, 10.30, 11.30 Д/с "Нечисть".
12.30 Д/с "Городские легенды".
13.00, 18.00, 01.00 "Х-версии".
Другие новости.
14.00, 14.30 Д/ф "Охотники за привидениями".
15.00 "Мистическая история".
16.00, 16.30 Т/с "Галлия".
17.00, 17.30 Т/с "Слепа".
18.30 Т/с "Пятая стража".
19.30, 18.00 Т/с "Облави мена".
21.15, 22.05 Т/с "Поселователи".
23.00 Х/ф "От колыбели до могилы".
01.30 Х/ф "Кин-дза-дза".
04.15, 05.10 Т/с "Черная метка".

O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Замин гаройиботлари".
Х/ф.
7.30 Миллий сериал: "Чемпионлик орузи".
8.00 "Ахборот".
8.35 "Гирих сайёра". Х/ф.
9.25 "Уй юмушлари". Т/с.
10.10 "Атролдам".
10.35 "Сухбатдош".
10.40 "Корачик".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Муқаддас ришталар". Т/с.
11.15 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Марил хоним". Т/с.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Кўрганларимиз ҳақида".
14.40 Миллий сериал: "Орузлар фасли".
15.15 "Астероидлар". Х/ф.
15.40 "Кўнгил ободлиги".
16.00 "Текзор хабарлар".
16.10 "Тараққийот таничи".
16.40 "Ахборот" (инглиз).
16.40 "Кўгулгаги юрт".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Умидбахш кун". В/ф.
17.55 "Иқлим".
18.10 Миллий сериал: "Ҳаёт жидгалари".
18.40 "Иқлим".
18.45 "Устурлоб".
19.05 2015 йил - "Кексаларни эълозлаш йили" "Эълоз".
13.45, 23.15 Большой спорт
14.05 X/ф "Правила охоты. Штурм"
17.35 "Танковый биатлон"
19.40 Т/с "Отдел С.С.С.Р."
23.35 Первые Европейские игры. Трансляция из Азербайджана
03.20 "ЕХперименты".
Вертолеты
04.20 Смешанные единоборства.

Шанба

08.15 Панорама дня.
LIVE
10.40 "В мире животных"
11.10 "Диалоги о рыбалке"
12.40, 16.30, 00.20 Большой спорт
13.00 Т/с "Отдел С.С.С.Р."
16.55 Формула-1.
18.05 Легкая атлетика.
21.20 X/ф "Земляк"
00.40, 04.35 Первые Европейские игры.
Трансляция из Азербайджана
02.20 X/ф "Монтана"
04.05 "Основной элемент". Нефтегород
06.15 Смешанные единоборства. "Грозная битва"

Якшанба

08.30 Панорама дня.
LIVE
10.25 "Моя рыбалка"
11.10 "Язь против еды"
11.40, 12.10 "Рейтинг Баженова"
12.40, 16.30, 00.20 Большой спорт
13.00 Т/с "Отдел С.С.С.Р."
16.45 Формула-1.
Гран-при Австрии.
Прямая трансляция
19.05 Легкая атлетика.
21.20 X/ф "Земляк"
00.40, 04.20 Первые Европейские игры.
02.20 X/ф "Орел Девятого легиона"
06.45 X/ф "Пыльная работа"

Табрик.ай.уз!

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали
жамоаси Қўқон шаҳар ТБ ходимлари
Ҳакимжон АКБАРОВ ҳамда Валентина
ХАННИ 50 ёши билан чин дилдан
табриклайди. Уларга узоқ умр, фарзандлар
роҳатини қўришларини тилайди.

WEB-ДУНЁ

ЯНГИЛИК

Opera — замонавий браузер

Норвегиянинг Opera компанияси компютерлар учун 30дан ортиқ ўзгаришларни ўз ичига олган янги браузерини тақдим этди.

"Агарда сиз Operaга янги функция қўшмоқчи бўлсангиз, унинг ён панелидан фойдаланишингиз мумкин. Бу ечим браузерни ривожлантиришда иштирок этишни хоҳловчи фойдаланувчиларга чекланмаган имкониятларни тақдим этади".



Женис Бейсеков, Opera Software десктоп бўлими раҳбари

ЖАМИ ИЖТИМОЙ ТАРМОҚ ФЙДАЛАНУВЧИЛАРИ 2015 й.

демография



2015-2016 йилларда ушбу ёш тоифасида энг катта ўсиш (16.6 млн.гача) кутиляпти.

АҚШнинг ёши улуг фуқаролари орасида ижтимоий тармоқларга қизиқиш кучаймоқда.

Манба: socialmedialondon.co.uk

БАШОРАТДА ЖОН БОР

Semiconductor Industry Association (SIA) маълумотларига таянган бўлсак, жаҳон ярим-ўтказгичлар бозорида жорий йил апрелида 27,6

млрд. долларлик маҳсулот сотилган ва йиллик солиштирмада ўсиш 4,8 фоизга тенглашгани кўринади.

Йигирма тўрт ойдирки, яримўтказгичлар бозорида фақат ўсиш кузатилмоқда. Бунга асосланган таҳлилчилар шу сабабли ҳам йил якунида юқоридаги марра забт этилишига ишонишмоқда.

\$ 347 млрд.

2015 йил якунида ЮҚОРИДАГИ МАРРА ЗАБТ ЭТИЛАДИ.

ЕВРОПАДАГИ БИРИНЧИ

"АҚЛЛИ" ЙЎЛ

Гамбург (Германия) портида Европадаги биринчи "ақлли" йўл (smartROAD) куриляпти.

"Ақлли" йўл бу — автотранспортлар ҳаракатини бошқариш тизими, йўлга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш зарурлиги тўғрисида вақтида берилган ахборот, пиёдалар ва велосипедчилар хавфсизлигини таъминловчи "ақлли" ёритиш тизими, атрофмуҳит ҳолати ҳақида тезкор маълумотлар йиғиш, демакдир. Лойиҳада Cisco, Philips, AGT International, T-Systems, World Sensing ва Kiwi компаниялари иштирок этмоқда.

"КЕРАКСИЗ" СЕРВЕРЛАР

Жаҳондаги серверларнинг учдан бир қисми — яроқсиз. Anthesis Group консалтинг компанияси билан ҳамкорликда ишлаган Стэнфорд университети тадқиқотчилари шундай тўхтама қелишди. Аниқроғи, ер юзидаги жисмоний серверларнинг тахминан 30 фоизи олти ойлаб ҳеч қанақа ахборот узатмаяпти, бироқ электр энергиясини ишлатишда давом этмоқда. Фоизларни санок сонларга айлантирсак, гап 10 миллионга атрофидаги серверлар тўғрисида борапти.

Ҳамкорлар "кома"да ётган серверларни аниқлашда махсус дастурий таъминотдан фойдаланишди, дастур серверларга улар ишлов бераётган ахборотларнинг оператив маълумотларини олиш учун сўровнома йўллади.


Яқунда эса экспертлар ишлатилмаётган серверлар сирасига алоҳида серверлар ҳам, виртуал муҳитни ушлаб турувчи серверлар ҳам киришини аниқлашди. Агарда битта

сервернинг нархи ўртача уч минг доллар туриши инобатга олинса, жами ишлатилмаётган ресурслар қиймати 30 миллиард доллардан ошиши ойдинлашади. Инфратузилма харажатлари, серверларни сақлаш ва ишлатишга кетадиган маблағлар бунга киритилмаган.

"Кераксиз" деб топилган серверларнинг энергия сарфи ҳам инсон ақлини шоширади. Мабоодо жаҳондаги барча самарасиз эксплуатация қилинаётган серверлар электр токидан узиб қўйилганда борми, серверларнинг ўзидан 2,2 ГВт, уларни совитиш ва инфратузилмасидан 1,8 ГВт электр энергияси иқтисод қилиб қолинган бўларди. Жами 4 ГВт бу, масалан, Россиядаги улкан Саяно-Шушенское ГЭСи ишлаб чиқарадиган электр энергиясидан икки карра кўп, демак.

"Аксарият компаниялар самарасиз IT-инфратузилмадан фойдаланишга тегнагани ўзлари ҳам билишмайди", — дейди Anthesis Group вакили Жон Тейлор.

Тадқиқот муаллифлари юзага келган вазиятни ижобий томонга буриш учун инфратузилмани бошқаришга янгича ёндашув зарурлигини таъкидлашган.



ХАРАЖАТ ОШАДИ

Интернет-нарсалар (IoT) учун жаҳон харажатлари 2020 йилга бориб 1,7 трлн. доллардан ошади.

IDC компанияси ҳисоблашича, яна беш йилдан сўнг IoT бозорининг учдан икки қисмини қурилмалар, тармоқ ускуналари ва уларга кўрсатиладиган хизматлар ташкил этади. Бунда қурилмалар (модулар, сенсорлар ва бошқалар)нинг улуши камида 31,8 фоизга тенглашади.

МЕССИ ТБИЛИСИГА КЕЛАДИ

НР компанияси Тбилиси (Грузия)нинг "Динамо-арена" стадионида кенг қўламли инфратузилма лойиҳаси амалга

оширилганини маълум қилди. Эслатиб ўтамиз, мазкур стадион 11 август куни Барселона-Севиля ўртасидаги УЕФА суперкубоги ўйинига мезбонлик қилади.

Компания амалга оширган ишлар қаторида мустақам тармоқ инфратузилмаси, электрон чипалар сотиш, IPTV, Wi-Fi хизматлари ташкил этилганини санаб ўтиш мумкин.



ЯНГИ iPhone ҚАЧОН ЧИҚАРКАН?

Британиянинг Mobile News нашри хабар тарқатишича, жорий йилнинг 25 сентябридан янги iPhone смартфонларининг сотувга чиқарилиши эҳтимоли катта. Янги iPhone қайси русум остида чиқиши, яъни iPhone 7 бўладими ёки мавжуд 6 рақамга қўшимча ҳарфлар қўшиладими, ҳозирча номаълум.

Дарвоқе, ҳозирги "олтинчи" русум айфонлари ҳам ўтган йилнинг сентябрида тақдим этилганди.


"АВТОБЕКАТ ИНТЕРНЕТИ"

Ericsson (Швеция) компанияси Италиянинг Милан шаҳридаги Халқаро жамоат транспорти ассоциацияси (UITP) кўрғазмасида интернетга 3G, LTE ёки Wi-Fi технологиялари воситасида уланадиган автобус бекати лойиҳасини тақдим этди. Мазкур лойиҳада мобил операторлар ва транспорт компаниялари

ҳамкорлик қилади. Агарда автобус бекатлари интернетга уланса, транспорт компанияларига

қўшимча даромад келтириши мумкин: улар ўз тартибда автотузилмани кенгайтириш истагидаги операторларга ижарага берилади.

"Автобекат интернет" реал вақт тартибда автобуснинг қаерда ҳаракатланаётганини кўрсатувчи экран, интерактив хариталар, маҳаллий янгилликлар ва бошқа қулайликларга эга.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади

Ёшлар ишга жойлашадилар

Жорий йил бошида ТАТУда аҳоли бандлигини, энг аввало, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича устувор йўналишларини амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги корхоналар раҳбарлари билан учрашув-мулоқотлар ўтказиш ҳақида ҳамкорлик режаси тўзилган эди.

Ушбу режа асосида 2015 йилнинг феврал ойидан бошлаб 6 июн кунигача ҳафтанинг ҳар шанба кунлари ТАТУ ҳамда унинг ҳудудий филиалларида таҳсил олаётган талабалар билан соҳа корхоналари раҳбарларининг онлайн мулоқотлари ўтказилди. Ушбу мулоқотлар доирасида Тошкент шаҳри ва Тошкент, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Наманган, Фарғона, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги мавжуд 80дан ортиқ соҳа корхоналари раҳбарлари ва 4500дан ортиқ талабалар камраб олинди.

Учрашув-мулоқотлардан мақсад корхоналарнинг аниқ буюртмалари асосида малакали мутахассислар тайёрлаш, университетнинг ҳар бир битирувчисини ўз мутахассислигига қўра ишга жойлаштиришдан иборатдир.

Мулоқотлар давомида ҳудудда алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича мавжуд ва янги яратиладиган иш ўринлари, бугунги кун мутахассисига қўйилган талаблар юзасидан корхона раҳбарларининг фикрлари тингланди.

Шу билан бирга, соҳа раҳбарлари ўз корхоналарида ташкил этилган янги иш ўринлари, шарт-шароит ва имтиёзлар ҳақида талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Онлайн мулоқотларни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳудудий филиаллари раҳбарлари Л.Усмонов (Андижон), С.Арипов (Қашқадарё), Н.Эшназаров (Самарқанд), Р.Тўхтамишев (Сурхондарё), Б.Хидиров (Сирдарё), Х.Йулдошев (Тошкент вилояти), Х.Қурбонов (Фарғона), Қ.Ҳайитбоев (Хоразм), Қ.Қоланов (Қорақалпоғистон), Ф.Тешаев (Навоий), Ж.Худаяров (Бухоро) ҳамда "Ўзбектелеком" АК бош директори А.Абдумўминов ва компаниянинг ҳудудий филиаллари директорлари яқиндан ёрдам бердилар.

Мулоқот

Яқинда Самарқанд Давлат университети қошидаги 2-академик лицейда Тошкент шаҳридаги ИИХА университети проректори Нурилло Маҳаматов билан вилоятдаги академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари учрашув-мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур учрашувда проректор ўқувчиларга ИИХА университетига 2015-2016 ўқув йили учун қабул жараёнлари хусусида батафсил сўзлаб берди. Учрашувда ўндан зиёд академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 200 нафардан ортиқ битирувчи ўқувчилари иштирок этиб, ўзлари қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Қ.АБДУҒАФУРОВ

ДИҚҚАТ, YANGILIK!

Электрон қабул

ТАТУда 2015-2016 ўқув йилида бакалавриатура ва магистратура абитуриентларидан аризаларни онлайн тарзда қабул қилиш интерактив хизмати ишга туширилди.

Бу тизим ҳозирги вақтда бакалавриатура абитуриентлари учун www.qabul.tuit.uz ҳамда магистратура абитуриентлари учун www.tuit-magistr.uz электрон манзили остида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Ушбу тизим орқали ҳужжатларни топширмакчи бўлган абитуриентлар www.qabul.tuit.uz сайтдан дастлаб рўйхатдан ўтадилар. Бунда, албатта, абитуриентнинг электрон почтаси (E-mail) бўлиши зарур.


Ҳар бир абитуриент фақатгина битта E-mail орқали рўйхатдан ўтиш имкониятига эга. Рўйхатдан ўтиш тугагандан сўнг кейинги маълумотларни киритиш учун унинг E-mailига тизимга киришни тасдиқловчи код жўнатилади. Кодни тасдиқлаган ҳолда тизимга логин (E-mail) ва парол орқали кириб, барча маълумотлар тўлдирилади.

Абитуриент барча маълумотлари тўлиқ ва тўғри киритилганига ишонч ҳосил қилганидан сўнг, тасдиқлаш тугмасини босган ҳолда маълумотлар киритиш жараёнини якунлайди.

Бу киритилган маълумотлар орқали абитуриентнинг ТАТУ ректори номига аризаси, абитуриент қайд варақаси ва йиғма жилди бланкалари автоматик равишда PDF форматда шакллантирилади ҳамда абитуриент топширган йўналишига мос махсус рақам берилди.

Абитуриент махсус рақам ва ариза шаклини чоп қилган ҳолда ўзининг ҳақиқий ҳужжатларини қабул комиссиясининг масъул шахсига тақдим этади ва ҳужжатларини топшириб кетиш имкониятига эга бўлади.

Абитуриентларнинг онлайн ариза топшириш жараёни схемаси



Тизимнинг асосий функциялари:

- аризаларни қабул қилишни онлайн амалга ошириш, ҳужжатларни қабул қилиш жараёнини тезлаштирилади ва осонлаштирилади;
- аризаларни қўриб чиқишнинг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланади;
- абитуриентнинг ариза тўлдириш ва топшириш жараёни автоматлаштирилади;
- абитуриентлар маълумотлар базаси шакллантирилади.

Бу тизимлар орқали абитуриентлар билан доимий равишда мулоқотлар олиб борилади. Тизим орқали абитуриентларга қабул комиссиясига доир янгиликлар бўйича маълумотларни тақдим этиш имкониятлари ишлаб чиқилади.

Келажақда абитуриентларга уларнинг уяли телефонларига қабул комиссиясидаги янгиликларни SMS орқали жўнатиш режалаштирилган.

Қурбон РАҲМОНОВ,

ТАТУ "Информатика асослари" кафедраси мудири

Ё'ЛОН

Тошкент ахборот технологиялари университети қабул жараёнларидаги янгиликлар

2015-2016 ўқув йили Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудий филиаллари қўйидаги қўндағи бакалавриатура таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул эълон қилади:



Бакалавриат (ТАТУ):

- Компютер инжиниринг ("Компютер инжиниринг", "IT-сервис", "Ахборот хавфсизлиги", "Мултимедиа технологиялари")
- Дастурий инжиниринг;
- Телекоммуникация технологиялари ("Телекоммуникация", "Телерадиоузатиш", "Мобил тизимлар")
- Телевизион технологиялар ("Аудиовизуал технологиялар", "Телестудия тизимлари ва иловалари")
- Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими;
- Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик;
- Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иқтисодиёт ва менежмент;
- Почта алоқаси технологияси;

Бакалавриат (Ҳудудий филиаллар):

- Компютер инжиниринг ("Компютер инжиниринг", "IT-сервис")
- Телекоммуникация технологиялари ("Телекоммуникация");
- Дастурий инжиниринг;
- Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими;

Магистратура (ТАТУ):

- Компютер инжиниринг ("Компютер тизимларини лойиҳалаш", "Амалий дастурий воситаларни лойиҳалаш", "Ахборот ва мултимедиа технологиялари", "Ахборот хавфсизлиги, криптография ва криптотаҳлил");
- Дастурий инжиниринг;
- Телекоммуникация инжиниринги ("Ахборот узатиш тизимлари", "Телекоммуникация тармоқлари", "Телерадиоузатиш");
- Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик;
- Электрон кутубхона ва архивлар;
- АКТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент.

Магистратура (Ҳудудий филиаллар):

- Компютер инжиниринг ("Компютер тизимларини лойиҳалаш");
- Шунингдек, Махсус сиртки бўлимининг Телевизион технологиялар ("Аудиовизуал технологиялар", "Телестудия тизимлари ва иловалари") таълим йўналишига телевидение соҳасида ушбу таълим йўналишига мос мутахассислик бўйича уч йилдан кам бўлмаган даврда фаолият кўрсатиб келаётган ҳамда мос мутахассислик бўйича ўрта махсус маълумотга эга мутахассислардан ҳужжатлар қабул қилинади.

ТАТУда 2015-2016 ўқув йилида бакалавриатура ва магистратура абитуриентларидан аризаларни қабул қилиш учун онлайн ариза қабул қилиш интерактив хизмати ишга туширилди.

Бу тизим ҳозирги вақтда бакалавриатура абитуриентлари учун www.qabul.tuit.uz ҳамда магистратура абитуриентлари учун www.tuit-magistr.uz электрон манзили остида фаолият олиб бормоқда.

Эътироф ва рағбат

Ўзи таллаган соҳасида фидойилик билан меҳнат қилиш иштиёқи Олим Абдуллаевнинг навқирон қалбида у ҳали Тошкент алоқа политехникумида ўқиб юрган кезларидаёқ аниқ кўзга ташланиб қолган эди. Мана, 30 йилдирки, бу сўнмас иштиёқ малакали мутахассисни заррача бўлса-да тарқатгани йўқ.

У кундалик ишга алоҳида кунчақлик ва эътибор билан ёндашади. Ҳамкасбларидан ҳам айнан шуни талаб этади. Зотан, бошқача бўлиши мумкин эмас. Олим Абдуллаев бундай фидойилигу ишчанликни анча йиллар олдин унга устозлик қилган, бугунги кунда эса рафақада бўлган Рауф Ҳайдаров, Зикрилло Обидов сингари соҳа ходимларидан ўрганган, ҳавас билан улар ортидан эргашган. Бугунги кунда жамоада фаолиятини қизгин давом эттираётган катта электромеханик Истам Файзиев ҳамда тажрибали муҳандислардан бири Тўхта-

миш Ашуровлар ҳам ибратли ҳаёт йўлидан дадил одимлаётган кишилар ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, Олим Абдуллаев ва унинг ҳамкасблари фаолият юритаётган "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Бухоро радиотелеузатиш марказида корхона маъмурияти ва касба уюшмаси кўмитаси томонидан ишловчилар учун унумли меҳнат ва дам олиш шароитлари яратиб берилган. Шундай доимий эътибор ва ғамхўрликка жавобан корхона жамоаси ўз кундалик фаолиятига виждонан ёндашган ҳолда иш олиб бормоқда.

Олим Абдуллаевнинг бугунги кунда у билан бир сафда ёнма-ён ишлаб келаётган тиришқоқ шоғирдлари — Умид Турдиев, Шухрат Қувватов, Лазиз Усмонов сингари муҳандис ва электромеханиклардан, шунингдек, Йигитали Лутфуллаев каби алоқа монёрларидан умиди катта.

— Меҳнатингизнинг вақти-соати келиб муносиб равишда эътироф этилишини истасангиз, ҳалол ишланг, — дейди у ёшларга. — Шундагина униб-ўсасиз, бирингиз икки бўлади.

Бу сўзларда жон бор, албатта. Аниқроқ қилиб айтганда эса Олим Абдуллаев ўз ибратли ҳаёт йўли билан эл-юрт ишига ҳамиша камарбаста эканлигини амалда исботлаб келмоқда. Табиийки, шундай инсонлар меҳнати ҳар доим алоҳида

эътироф этиб келинган. Шак-шубҳасиз, алоқа соҳаси фидойилари ҳам бундан мустасно эмас. Ўринли эътироф эса ўз-ўзидан аёнки, муносиб рағбат сари етаклайди. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Жорий йилдаги Алоқачиларнинг касб байрами нишонланиши муносабати билан бир қатор соҳа пешқадамлари қатори Бухоро радиотелеузатиш маркази Бухоро радиотелевизион станцияси 6-даражали электромеханиги Олим Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг "Моҳир алоқачи" фахрий унвони билан тақдирланди. Бу юксак мукофот билан уни самимий табриклаб, мустаҳкам соғлик, узоқ умр, келгусидаги ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

E'ZOV

SHUKRONALIK

Вахшиворсой дарёсининг ўзига хос "қўшиғи" Парда бобога ёқимли бўлиб қолган. Бу ошиқлик сабабми, ўзани ўзини дарёни табиатнинг тўрт фаслида ҳам қузатиб, завқланишдан эринмайди. Ҳозир ҳам қирғоқ бўйидаги ўйи довласини айланми, нигоҳини ўша таниш манзарарга қаратади. Ногаҳон учқур хаёли унга ўтган кунларини эслатади.

Тўхтамишда тонг отди

...Ўшанда Парда Султонов азиз умрининг 20-чи баҳорини қаршилаган эди. Кўлига чақирик қорозини тутқазганлар эртага урушга кетишини айтишди. Бир гуруҳ йигитларни Денов темир йўл бекатидан кузатишди. Тўлганой опа ёлғиз ўғлини бағрита босиб, юм-юм йиғлар экан, бошинг тошдан бўлсин болам, деб хайрлашди.

Дарвоқе, Тўлганой опага айрилиқнинг оғир ботгани бежиз эмас. У Пардани отаси ўрнида ҳам боқиб, тарбиялаб вояга етказган эди. Начора, Султонурад аканинг умри қисқа экан, йигирма олти ёшида оламдан ўтди. Кун кечириб қийин бўлиб турган бир паллада рўзорнинг бор ташвиши аёл зиммасида қолди. "Энди энамнинг кунни қандай ўтади?" Парданинг кўнглида туғён урган бу ўй киприкларини намланишига сабабчи бўлди. Унинг ҳолатини кузатиб турган қишлоқдош таскин берди.

— Йигит кишига йиғлаш ярашмайди, жўра, — деди у насиҳатомуз оҳангда, — биламан, ҳозир онангни ўйладинг. Бошга тушган кўрликка чидамай иложимиз йўқ. Насиб бўлса, фронтда ўзимизни кўрсатиб қишлоғимизга галаба билан қайтамиз. Шундай ишонч ва яхши ниятга таянсақ, жангдаги қийинчиликлар билинмайди.

Кечаги қишлоқдош, энди эса узоқ, хатарли сафарга отланган содиқ йўлдошининг иккори Парда Султонунови ҳушёр тортирди. Вужудда ботирлик, жасурлик ва мардликни чорловчи қудратли куч пайдо бўлганини ҳис этди.

— Мен фронт йўлида икки марта ярадор бўлиб, жанговар сафга қайтганман, — эслади Парда бобо. — Жангларда Аллоҳнинг ўзи асради. Гоҳ қора тутун қоплаган, гоҳ оловдай ёниб турган майдондан эсон-омон уйимга келдим. Жами етти йил хизмат қилиб, юртимиз тинчлигини тиклашга ўз ҳиссамни қўшдим.

Жангчи қишлоғига қайтгач, Олтинсой туманидаги Тўхтамиш алоқа бўлимини бошқарди. Бўлим ходимлари Омон Норқулов, Тошмурад Курбонлар жамоа раҳбари Парда Султонов билан баҳамжиҳат ишлашди. Улар газета-журнал, хат-хабар ва почта жўнатмаларини от миниб Деновдан ташишган. Ўз навбатида, буларни Обшир, Бодихаво, Тўхтамиш, Даҳана, Лўкки, Катта ва Кичик Вахшивор каби тоғолди қишлоқларига етказиб беришар эди.

Ҳозир Тўхтамиш алоқа бўлими фаолиятини Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийси Парда Султонуновнинг ўғли Эшмурад Султонунов муваффақиятли давом эттирмоқда.

Парда бобо юз билан юзлашиш арафасида турган табаррук замондошларимиздан бири. Қарийб бир асрлик умр соҳибининг суҳбатига астойдил қулоқ тунсангиз, мисли ҳикмат булоғидан баҳра олангек бўласиз.

Дарҳақиқат, у ҳаёт машаққатларига мардонавор бардош бера олди. Келажагига катта умид ва ишонч билан боқди. Келиннинг оёғидан, қўйнинг туёғидан деганларидек, лўккилик Робия турмуш ўртоғи Пардага пойқадамли жуфт бўлиб чиқди. Унинг рўзорпарварлиги ва меҳнатсеварлиги қайнона Тўлганой опа ниятига яраша бўлди. Келин-қув ё даралар қўйнидаги ғаллазору тоқзорга меҳрини берди, ҳормай-толмай ишлаб, барака топишди. Султонуновлар оиласи эл назарига тушди. Робия хола 11 фарзандни бешикка бойлаб, алла айтди. Бутун ака-укалар — Очилли, Эрдона, Бозор, Эшмурад, Нурмуҳаммад, Абубакир, Умарали, опа-сингиллар — Ҳожарой, Мингдона, Ҳалималар ували-жували бўлиб кетишган.

Гурунларда Парда бободан узоқ умр кўришининг сири ҳақида сўраб қолишади. Шундай пайтда у жавоб айтишга шошмаган ҳолда "бир-бирларингга яхши бўлинглар, ҳавас қилиб яшанглар, ҳеч гина-қудрат қилманглар, энг муҳими, ҳар бирингиз нафсини тийсангиз, албатта, Худони топасиз" деб қўяди. Шундан сўнг даврдагиларга аллома ва шоир Суфи Оллоёр ижодидан намуна келтиради:

Отанг ердур, санам ердек қилиқ қил,

Эмонлиг айлазганга яхшилик қил.

Кўкдаги зўхро юлдузи ёғдулари бора-бора сўниб, олам узра тонг ёриша бошлади. Олтинсойнинг тоғолди қишлоғи — Тўхтамишда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Парда бобо Султонунов яна бир тинчлик тонги отганига беҳисоб шукроналик билдирди. Дарҳақиқат, бошланаётган янги кунлар беқиёс бунёдкорлик ишларига, тўйлару байрамларга хизмат қилмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ,

"Xabar"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

Дуога қўл очар оталар...

Зокиржон Ёшлиғидан ҳунарга меҳр қўйди. Отаси Ғофуржон ака дехқончилик сир-асрорларини ўргатади, кейинчалик бошқа касбларни ҳам эгаллашга қўлурди. Шундан бўлса керак, 1929 йилда Марғилон шаҳрида қўрилиб эндигина иш бошлаган пиллачилик фабрикасига шоғир бўлиб жойлашди.

Ҳалол меҳнатдан обрў-эътибор, қадр-қиммат топди. Сўнгра бир неча йил мобайнида савдо соҳасида фаолият кўрсатди. 1937-1940 йилларда йигитлик бурчини адо этди. Орадан кўп ўтмай Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Урушнинг биринчи кунини — 1941 йил 21 июнда Зокиржон ҳаракатдаги фронтга жўнади.

Фашист босқинчиларига қарши ҳаёт-мамот жангарида 296-дивизияда алоқачилик вазифасини бажарди. У алоқач бўлибгина қолмай, разведка ишларида ҳам фаол қатнашди. Қақшатқич жанглarning бирида бошидан яраланиб, госпиталда даволанди. Жароҳати оғирлиги сабабли, шифокорларнинг руҳсати билан она шаҳри — Марғилонга қайтиб келди. Марғилон темир йўл станцияси милиция бўлимида оддий милиционер бўлиб меҳнат қилди. 1955 йилдан 1986 йилгача Марғилон шаҳар умумий овқатланиш корхонасида новвой бўлиб хизмат қилди. 1986 йили қариллик нафақасига чиққач, 20 йил давомида "Галатой" маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасини бажарди.

Ҳозирда Зокиржон ота маҳалланинг энг яқин маслаҳаттўйи. Меҳр-оқибат, қадр-қиммат, одамийлик, бағрикенглик фазилатлари мужассамлашган, 95 ёшга яқинлашиб қолган отахон маҳалла аҳлининг ардоғида.

— Ҳаётимни она Ватан учун, жонажон халқим учун сарфлаганимдан беҳад бахтлиман, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси Зокиржон ота Ғофуров. — Истиқлол тўфайли йил сайин гуллаб-яшнаётган Ўзбекистонимиз шаҳар ва қишлоқларидаги бунёдкорлик ишларини, узгаришларни кўриб яйраб кетаман.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ

Китоб байрами

Бутун республикамиз бўйлаб ўтказилган Китоб байрами Навоий вилоятида ҳам кўтаринки рўшда ташкил этилди. Барча орақиб кутган бу маънавий байрами дастлаб Навоий шаҳридаги "Ёшлар маркази"да китоблар кўргазмаси билан бошланди.

Тадбирда Абдулла Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, "Шарқ зиёкори" МЧЖ, "Уздавкитобсавдо" ДАК-нинг вилоят филиаллари, Навоий Давлат педагогика ҳамда Кончилик институтлари, халқ таълими бошқармаси АРМлари, Алишер Навоий номидаги нашриётнинг классик ҳамда замонавий асарлари китобхоналар ҳукмига ҳавола қилинди.

Тадбирнинг иккинчи кунда АКМда нашриётлар кўргазмаси билан бирга Кексаларни эъзоллаш йилга бағишланган китоблар тақдироти бўлиб ўтди.

— Китоб байрами баҳонасида "Энг яхши китобхон", "Китобхон оила" мавзуларида интеллектуал ўйин ва викториналар ўтказилиши, китобсеварлар сонининг янада ошишига хизмат қилди, — дейди вилоят АКМ раҳбари Рамазон Ражабов.

Хайрли тадбирнинг давоми ҳам хайрли бўлади, дейишади. Дарҳақиқат, май ойининг охирида бошланган маънавий ва тафаккур байрами июн ойида — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини муносабати билан ўтказил-

ган Экофестивалда ҳам давом этди. Вилоят марказида жойлашган амфитеатр майдонидан АКМ ҳам жой олди. Табиати асраш, унинг ноёб флора ва фаунаси, ҳайвонот дунёси, дунё табиати ҳақидаги китоблар кўргазмаси тадбирга ташриф буюрган катта-ю кичикнинг сеvimли масканига айланди.

— Китоб — барчамизнинг энг яқин дўстимиз, — дейди вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Тарғибот гуруҳи раҳбари Зубайда Душанова. — Китоблар кўргазмасида соҳамизга оид китобларни топганимдан жуда хурсандман. Аҳолининг экологик маданиятини ошириш йўлидаги тарғибот ишларида бу китоблар, албатта, асқотади деб ўйлайман.

Ёшларнинг билими, маънавияти ва тафаккурини бойитишга муносиб ҳисса қўшаётган бундай байрам ва китоб кўргазмалари иштирокчилар қалбида узок вақт муҳрланиб қолиши аниқ.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири



Ҳуқуқий ахборотлар коллекцияси

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасаруфидаги АРМлар учун Андижон Давлат тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицей ахборот-ресурс марказида "АРМларда ҳуқуқий ахборотлар коллекциясини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш имкониятлари" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Вилоят АКМ директори Г.Исмоилова замон талаблари даражасида хизмат кўрсатишнинг аҳамияти, ҳуқуқий ахборотлар коллекциясини ташкил этиш ва тарғиб қилиш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятлари борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди ва аҳолини янги ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш, фойдаланувчиларнинг ҳуқуққа оид сўровларини бажаришда ҳуқуқий ахборотлар коллекциясининг ўрни ҳақида батафсил маълумотлар берди.

Шундан сўнг академик лицей маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари О.Каримов АРМда ҳуқуқий ахборотлар коллекциясини ташкил этишнинг аҳамияти, АКМ ҳуқуқий ахборотлар сектори мудири О.Мамажонова ҳуқуқий ахборотлар коллекциясини ташкил этиш, академик лицей АРМ раҳбари А.Бобожонова жамғармини ҳуқуқий ахборотлар билан бойитиш соҳасида АРМ томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида маъруза қилишди.

Семинар давомида мутахассислар иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

"Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият" мавзусида ташкил этилган адабиётлар кўргазмаси иштирокчиларни ҳуқуқий ахборотлар билан яқиндан таништиришга замин яратди.

Дилафрўз КАРИМОВА,
АКМ ИУБ етакчи кутубхоначиси

AN'ANA

Энг яхши дўст

Самарқанд шаҳар марказий маданият ва истироҳат боғида "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" шiori остида аъъанавий Китоб байрами ўтказилди.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги, Матбуот ва ахборот бошқармаси ва Республика маънавий тарғибот маркази томонидан ташкил этилган бу тадбирда кўпчилик ташкилотлар қатори Пушкин номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳам ўзининг адабиётлари билан қатнашиб, уларнинг тақдиротларини ўтказди.

— Китоб байрамида янгидан-янги китобларнинг ўзбекча ва инглизча тақдироти, "Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари", "Шарқнинг улуг мутафаккирлари" ва шу каби мультимедияларимизни иштирокчилар эътиборига тақдим этдик, — дейди АКМ директори Шаҳодат Аҳмедова.

Тадбирда китоб савдоси ва ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган корхона, ташкилотлар ходимлари, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этдилар.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

ARM HAYOTI

Гиёҳвандлик офати

Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона маркази, вилоят ИИБ, ҳарбий прокуратура, 53408, 34051-ҳарбий қисмлар, "Турон" маҳалласи фуқаролар йиғини ҳамда Навоий Давлат педагогика институти ҳамкорлигида 26 июн — Гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишлаб ахборот кунини ўтказилди.

Тадбирда вилоят ИИБ гиёҳвандликка қарши кураш бўлими ходими У.Баратов, вилоят ИИБ одам савдосига қарши кураш бўлими бошлиғи Ж.Мирзаев, вилоят ҳарбий прокурори ёрдамчиси, адлия катта лейтенанти А.Алимардонов ва бошқалар гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари ҳақида гапиришди.

Тадбирда "Гиёҳвандлик — давр офати", "Одам савдоси — давр муаммоси" мавзуларида китоб кўргазмаси ва "Табиат кўришдан аввал, оқибатини ўйла" мавзусида картотека ташкил этилди.

Мухаббат ИМОМОВА,
АКМ ахборот-библиография бўлими мудири

AKT-XABARLAR

.UZ

.UZ домени янги рекорд ўрнатди

.UZ зонасида доменлар сони рекорд даражасида ўсмоқда: 5 июн кунини энг кўп миқдордаги доменлар (247та) рўйхатдан ўтказилгани қайд этилди. Булардан 32та домен узайтирилмаган, шунингдек, доменлар сонининг кундузи 215тагача ўсиши ҳам рекорд саналади. Аввалги "кундузги" рекорд тўрт ой олдин қайд этилган — 5 феврал кунини 236та янги домен рўйхатдан ўтказилган. Бундан аввал жорий йилнинг 6 январидан эришилган рекорд 129та доменни ташкил этган эди.

Рўйхатдан ўтказилган фаол доменларнинг умумий сони 21 850тага етди.

Гандбол ҳақида электрон қўлланма яратилди

Урганч Давлат университети ходимлари спортнинг гандбол тури ҳақида электрон ўқув қўлланмани ишлаб чиқишди. Қўлланмада ушбу спорт турининг пайдо бўлиши, ривожланиши, ўйин қоидалари, ўйин ҳаракатларини бажаришнинг умумий тавсифномаси, майдон улчами каби кўплаб керакли маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, ўқув қўлланмадан юздан ортиқ ўргатувчи видеолар, турли расм ва чизмалар, тестлар жой олган.

Ушбу дастур учун муаллифлар А.Бўтабоев, Ж.Жамматов, Н.Рўзметов ва М.Болтаевага DGU 03115 рақамли гувоҳнома берилди.



Post

Osterreichische Post:
ИТЛАРДАН САҚЛАНИНГ

Osterreichische Post (Австрия почта хизмати) ўз ходимларига қопагон итлар ҳужумидан ҳимоялаштириш учун егуликлар тарқата бошлади. Австриядаги ҳайвонот дўконларидан бири почта хизматиға йилига 10 тонна итлар учун мўлжалланган галеталар (қотирилган печене) етказиб беришни зиммасига олди.

Компания матбуот котиби Курт Оберманнинг айтишича, почтачилар иш пайтида кўпинча "галати уйларга" боришларига тўғри келади ва бу уйлардаги итлар ўз ҳудудларини ҳимоя қилишга доим тайёр туради.

2014 йилда почта хизматининг 47 нафар ходими ўз хизмат бурчини бажариши давомида итлар ҳужумига учраган. Итлар эгаларига ҳам почта хизматининг бу қарори маъқул тушди.

FUTZAL

Пойтахт жамоалари баҳси

ТАТУда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Алоқа ходимлари касба уюмси Республика кенгашининг футзал бўйича кўча кубоги учун Тошкент шаҳар алоқа қороналари ўртасида "саралаш" ва "ўтиш" турнирлари баҳслари бўлиб ўтмоқда.

"Саралаш" турнири

Пойтахтнинг энг кучли жамоалари баҳс олиб бораётган ушбу турнирнинг 1-тур ўйинлари ўтказилди. Унда куйидаги натижалар қайд этилди:

ТШТТ-1 — БРМ — 2:1

ZTE — "Ўзбекистон почтаси" АЖ — 5:3

ТАТУ — АТ "Алоқабанк" — 4:1

ТТТ — UCELL — 3:2

Турнирнинг 2-тур баҳслари эртага, шанба кuni эрталаб 8.00дан бошланади. Яқшанба кuni эса 3-тур ўйинлари ўтказилади.

"Ўтиш" турнири

Мазкур қизиқарли турнирнинг дастлабки 2 тури ўз якунига етди.

Пойтахтнинг 14 жамоаси кураш олиб бораётган баҳсларда куйидаги ҳисоблар кузатилди:

1-тур

"Ўзбектелеком" АК — ALSKOM — 4:4

Матбуот тарқатувчи — Мониторинг маркази — 0:4

Вазирлик — МАТБ — 1:4

Алоқа коллежи — Uzmobile — 0:4

ТШТТ-2 — ДАИ — 7:1

Электрон ҳукумат — Ахборот хавфсизлиги — 5:0

ЭМММ — БКМ — 7:2

2-тур

Мониторинг маркази — "Ўзбектелеком" АК — 2:0

ALSKOM — Матбуот тарқатувчи — 7:2

Uzmobile — Вазирлик — 3:1

МАТБ — Алоқа коллежи — 4:1

Ахборот хавфсизлиги — ТШТТ-2 — 4:0

ДАИ — Электрон ҳукумат — 2:3

БКМ — UMS — 0:8

"Ўтиш" турнирида ушбу ҳафтада 3-тур ўйинлари ўтказилади ва чорак финал иштирокчилари аниқланади. Шанба ва яқшанба кунлари чорак ва ярим финал баҳслари бўлиб ўтади. 3-ўрин ва финал ўйинлари ҳамда голибларни тақдирлаш маросими эса келгуси ҳафтанинг сешанба кuni (16 июн)га режалаштирилган.

INSON VA QONUN

Ҳуқуқий асос

Мамлакатимиз барча жабҳаларида улкан ютуқларга эришганганимизни бугун нафақат юрдошларимиз, айни чоғда халқаро ҳамжамият ҳам эътироф этмоқда. Фуқароларнинг қонун оламида тенглиги, жамиятда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлиги тўлиқ таъминланаётгани ана шундай ютуқларимиз сирасидандир. Ҳар бир шахснинг жамми ҳуқуқлари, жумладан, мурожаат қилиш ҳуқуқи ва қаролатлари қонунчилигимизда мустақкамлаб қўйилгани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

2014 йилнинг 4 декабридан эътиборан амалга кiritилган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун манфаатдор шахсларнинг давлат органларига мурожаат этиши тартибини такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Жумладан, янги қонун юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўлишқини тўлдирди. Қолаверса, мазкур соҳадаги қонунбузилиш ҳолатлари учун жавобгарликни белгилаш, давлат органларига, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш тартибини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш ва амалга оширишга хизмат қилади.

Янги қонуннинг афзаллиги шундаки, унинг 3, 4, 5, 6, 10, 11, 13, 16, 19 ва 21-моддаларига мувофиқ, юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир жисмоний шахс, шунингдек, хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан, ҳар бир юридик шахс эса, мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили) ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, ҳеч бир камситишларсиз ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга экани аниқ белгилаб берилди.

Бунда жисмоний ва юридик шахслар тўғридан-тўғри ёки электрон ёхуд почта алоқаси воситалари орқали оғзак, ёзма ёхуд электрон шаклда мурожаат қилишлари мумкин. Шунингдек, уларнинг давлат тили ёки ўз она тилида ўзи ёки вакиллари ёхуд адвокатлари ёрдамида, яқка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этишлари ҳам қонунда кўзда тутилгани эътиборлидир. Содда қилиб айтганда, мурожаатлар давлат органлари томонидан

қабул қилиниши ва кўриб чиқиши шарт. Ушбу қонунда мурожаатларни қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этиш, ёзма ёки электрон шаклда жавоб юбормаслик маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилди.

Мурожаатларни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида бериш ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамланди. Бу ҳам қонундаги муҳим янгиликлардан биридир. Шу билан бирга, қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш жадваллари ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, шунингдек, қабул қилиш тартибини давлат органлари расмий веб-сайтларида эълон қилиш, уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказиш ҳам назарда тутилган.

Қонунда мурожаатлар, уларнинг тури ва шаклидан қатъи назар, электрон ёки оғзак бўладими, бир хил аҳамиятга эгаллиги мустақкамланди. Хусусан, қонун талабига кўра, электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа рекузитларга эга электрон ҳужжат шаклида бўлади.

Қисқача айтганда, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида" ги қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига мурожаатлари билан боғлиқ масалалар кенг қамраб олинган. Шу нуқтаи назардан, ушбу қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялашда мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Н.САЛИМОВА,

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани
1-Давлат нотариал идораси нотариуси

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси жамоаси ТАТУ Қарши филиалининг ўқув ва илмий ишлар бўйича директор ўринбосари

Қобилжон МУСТАФОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали жамоаси филиалининг ўқув ва илмий ишлар бўйича директор ўринбосари

Қобилжон МУСТАФОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига таъзия изҳор этади.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси жамоаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлини маси бошлиги Акром Қурбоновга падари бузруквор

Акром ота ҚУРБОНОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

АЛОҚАШИ ЛУҒАТИ



■ **Бифуркация** (en — bifurcation, ru — бифуркация) — 1. Тўлқин ўтказгич ёки коаксиал узатиш линиясининг ўқлош тармоқланиши. 2. Трафикни икки оқимга ажратиш.

■ **Бод** (en — baud rate, ru — бод) — вақт бирлиги ичида узатиладиган маълумотлар ҳажми билан тўғри боғлиқликда бўлган маълумотлар узатиш тезлигининг ўлчови. Бир бод деганда, одатда, сониясига бир байт узатилиши тушунилади.

■ **"Бэбифон"** (en — babyphone, ru — "бэбифон") — воқеа жойидан катта оқимликда турган абонент учун "мавжудлик" эффекттини яратиш имконини берувчи радио-телефон. Алоқа гўшак кўтарилган заҳоти ўрнатилган ва ҳонадаги товушларни эшитиш имконияти таъминланади.

■ **Биометрия** (en — biometric, ru — биометрия) — шахсни идентификация қилиш учун биологик хусусиятлардан, масалан, бармоқ излари ёки овоздан фойдаланиш тўғрисидаги фан.

FARZANDLARINGIZGA O'QIB BERING

Қадимда бир кишининг уч ўғли бўлган экан. Бир куни кексайиб, мадорсизланиб қолган ота ўғилларини ҳузурга чорлаб, шундай дебди:

— Ўғилларим, мен анча кексайиб қолдим. Энди катта оилани юритиш менинг қўлимдан келмайди. Ўйлаб-ўйлаб шундай қарорга келдим: орангиздан биттангиз оила бошлиғи бўлишингиз керак. Ким ақлли ва давлатманд бўлса, ўшанга оила бошлиқлигини топшираман. Ҳар бирингиз менга бу борада нималарга эга эканлигингизни кўрсатинг.

ОТАНИНГ ҚАРОРИ

Шунда катта ўғил зумрад кўзли олтин узук таққан қўлини узатиб дебди:

— Отажон, мана менинг бойлигим. Бу узукнинг пулига бутун шаҳарни сотиб олса бўлади. Ота ўғлига бирпас қараб турибди-ю, индамабди.

Навбат ўртанча ўғилга келибди. У олтиндан ясалган камарини отаси олдига қўйибди.

— Отажон, — дебди ўғил ғурур билан. — Бойлик топиш ҳамманинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Бу камарни сотиб олишга пул тўплаш учун нима ишлар қилмадим, ақлимни ишлатдим. Оила юритишни бемалол менга топширсангиз бўлади.

Ота норозилик билан бош чайқабди ва кенжа ўғилга қарата:

— Сен нега жим ўтирибсан ёки мақтанадиган бойлигинг йўқми? — дебди.

— Отажон, менда зумрад кўзли узук ҳам, қимматбаҳо камар ҳам йўқ. Лекин меҳнаткаш қўлим, ботир юрагим, гайрат ва шижоатим бор, — дебди.

Кенжа ўғилнинг жавоби отага ёқибди ва оилани бошқаришни унга топширибди. Катта ўғилларига эса унинг сўздан чиқмасликни тайинлабди.

Биласизми?

Қайси маҳсулотларни музлатгичда сақлаб бўлмайди?

Айниқса, ёзнинг иссиқ кунларида музлаткич жонимизга оро киради. Бозорлик қилинган маҳсулотларнинг ҳаммасини унга жойлаштиришга ўринамиз. Аммо музлатгичда сақлаб бўлмайдиган маҳсулотлар ҳам бор.



Асал

Музлатгичда асалнинг биохимик хусусияти бузилади ва фойдалилиги йўқолади. Уни қуруқ ва қоронғи жойда сақлаш лозим.

Зайтун ёғи

Фойдалилиги пасаяди, таъмида ҳам ўзгаришлар кузатилади. Уни хона ҳароратида сақлаган маъқул.

Саримсоқ

Саримсоқни музлатгичга жойлаштириш ман этилади. У бошқа ҳар қандай қуруқ жойда ҳам яхши сақланиши мумкин.



Картошка

Музлатгичдаги паст даража картошка таркибдаги крахмални шакарга айлантиради ва унинг таъминини ўзгартиради.

Қовоқ ва қовун

Совуқ ҳарорат бу маҳсулотларнинг юмшоқлашишига ва тез айнашига олиб келади. Айниқса, кесилган қовунни музлатгичда сақламаслик керак, бу ҳолда ундан зарарли моддалар (этил газ) ажралиб чиқа бошлайди.

Нон

Музлатгичга қўйилган нон тезда ўз сувини йўқотади. Уни сақлашнинг энг яхши варианты хона ҳароратидир.

Помидор ва бақлажон

Бу маҳсулотлар илиқ ҳароратни жуда яхши кўради. Шунинг учун улар қанчалик совуқда кўп ушлаб турилса, шунчалик тез айнашни бошлайди.

Банан

Бананларни илиқ ҳароратда сақлаш лозим, чунки у совуқда таъминини йўқота бошлайди.

Шоколад

Шоколад ҳам ўз таъминини йўқотади: музлатилганда унинг юзида оқиш ҳолдаги конденсат пайдо бўлади.



ХАНАА

Яхши бухгалтерни топиш анча мушкул масала. Мана, масалан, Вера Павловна, 10 йилдан бери қидирувда.

ALSKOM

СУГУРТА КОМПАНИЯСИ

Реклама

"ALSKOM"

суғурта компаниясининг тиббий суғуртаси ходимларингиз соғлиги ҳақидаги гамхўрликнинг самарали воситасидир.

Ихтиёрий тиббий суғурта полисимиз орқали Сизга мамлакатимизнинг барча вилоят ва шаҳарлари бўйлаб жойлашган 200дан ортиқ турли тиббий муассасаларда тиббий хизматлар кўрсатилади.

Шифокорни уйга чақириш

Дори-дармон таъминоти



Шошилич тиббий ёрдам

Вакцинация ва диспансеризация

Стоматологик хизмат

Амбулатория-поликлиника ва стационар хизмат

Бизнинг суғурта полисимиз — Сизнинг хотиржамлигингиз!

Доимо саломат бўлинг!

www.alskom.uz

Хизматлар лицензияланган

"ALSKOM" суғурта компанияси АЖ
Тошкент ш. Амир Темури к. 109
Email: info@alskom.uz
Тел.: 147-11-00 (211,312) Факс: 147-22-66

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КЎЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Маязил: Тошкент шаҳри,
"Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-665 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 12432 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Аслиддин БЎРИЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят мухбирлари:

Андижонда 226-47-80

Бухорода 715-87-21

Гулistonда 240-00-46

Жиззахда (94) 199-95-64

Навоийда 225-91-10

Нукусда 554-35-45

Самарқандда 230-64-80

Термизда (91)235-88-68

Тошкентда 288-40-66

Ўрганчада (90) 713-21-40

Фарғонада 244-18-05

Қаршида (93)931-08-99